

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚУЧҚОРОВА НАРГИЗА МАМАЖОНОВНА**

**КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ  
СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАДАНИЯТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**НУКУС – 2020**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Кучқорова Наргиза Мамажоновна**

Комплекс ёндашув асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг  
иқтисодий маданиятини ривожлантириш.....3

**Кучқорова Наргиза Мамажоновна**

Развитие экономической культуры будущих учителей начальных классов на  
основе комплексного подхода.....25

**Kuchkorova Nargiza Mamajonovna**

Development of economic culture of future primary school teachers based on an  
integrated approach.....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....51

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚУЧҚОРОВА НАРГИЗА МАМАЖОНОВНА**

**КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК БОШЛАНГИЧ  
СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАДАНИЯТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**НУКУС – 2020**

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2. PhD/Ped906 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.vocedu.uz](http://www.vocedu.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-гаълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эгамбердиева Нодира Мелибаевна  
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юзликаев Фарид Рафиллович  
педагогика фанлари доктори, профессор

Азимова Зиёда Эргашевна  
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация химояси Нукус давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019 Ped.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 20<sup>20</sup> йил «11» август соат 10<sup>30</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси рақамсиз уй.) Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75; e-mail: [nkspi\\_info@edu.uz](mailto:nkspi_info@edu.uz)

Диссертация билан Нукус давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (10 - рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси рақамсиз уй. Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75.

Диссертация автореферати 20<sup>20</sup> йил «30» июль кuni тарқатилди.  
(20<sup>20</sup> йил «30» июль да 10 рақамли реестр баённомаси).



Ж.Базарбаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, фалс.ф.д., академик

З.К.Курбаниязова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, п.ф.н., доцент

Т.Т.Утебаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
Илмий семинар раиси, п.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ўқувчиларда иқтисодий саводхонликни шакллантиришга тайёрлаш, ўқувчиларда тежамкорлик сифатларини тарбиялаш компетентлигини ривожлантиришнинг инновацион ёндашувга асосланган моделларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, бошланғич синф ўқитувчиларини халқаро баҳолаш дастурларига мувофиқ математик ва табиий фанлар бўйича шахсга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этишга мақсадли тайёрлаш, иқтисодий тежамкор интерактив дастурий воситаларни ишлаб чиқиш малакасини ривожлантириш, рақамли технологияларнинг адаптив вариантларини қўллаш асосида иқтисодий билимларни таркиб топтириш механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунёда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини интегратив таълим жараёнларини ташкил этишга тайёрлаш, комплекс ёндашув асосида педагогика олий таълим муассасаси талабаларининг иқтисодий маданиятини ривожлантиришга доир қатор илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида иқтисодий маданиятни ривожлантиришнинг инновацион технологияларини ишлаб чиқиш, таълимни ахборотлаштириш шароитида иқтисодий билимларни ўзлаштириш сифатини оширишнинг педагогик механизмини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этиш алоҳида долзарблик касб этади. Бу эса кредит-модул тизими асосида бошланғич синф ўқитувчиларида иқтисодий маданиятни ривожлантиришга доир электив курслар мазмунини такомиллаштириш, бўлажак ўқитувчиларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик сифатларини ривожлантиришнинг педагогик тизимини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Республикамизда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг иқтисодий маданиятини ривожлантириш, умумтаълим фанларини халқаро баҳолаш дастурлари талаблари асосида ўқитиш бўйича касбий компетентлигини такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсати изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, инновацион иқтисодиёт ривожланиш кўрсаткичларига мувофиқ педагог кадрларни мақсадли тайёрлашнинг дидактик шарт-шароитларини такомиллаштириш ва амалиётга жорий этишга доир кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш”<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгиланди. Бу эса бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.  
// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

иқтисодий маданиятини ривожлантиришнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш, комплекс асосида педагогика олий таълим муассасаси талабаларини ўқувчиларнинг иқтисодий саводхонлигини шакллантиришга тайёрлашнинг педагогик тизимини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этишини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари, 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4623-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли Қарорлари ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти фан ва технологиялар тараққиётининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш, уларда иқтисодий маданиятни шакллантириш ва тадбиркорлик сифатларини тарбиялаш масалалари Шарқ мутафаккирлари Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Югнакий, Алишер Навоий, жадид мутафаккирлари Махмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдурауф Фитратларнинг педагогик қарашларида ўз аксини топган.

Республикамиз олимларидан М.Артикова, Д.Джураев, Н.Камолова, С.Мусаева, Д.Тохтамунова, Х.Умарова, Х.Худойкулов, Н.Хўжаев, Ж.Ҳасанбоев, Г.Эшмуровадовалар ўқувчиларнинг иқтисодий билимларини ривожлантириш, бошланғич синф ўқувчиларида иқтисодий тушунчаларни шакллантириш, иқтисодий таълим жараёнида модулли таълим технологияларидан фойдаланиш, умумтаълим мактаби ва оила ҳамкорлиги асосида ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш масалаларини тадқиқ этишган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) олимларидан О.Бажина, Т.Блохина, М.Викулина, М.Владька, С.Влазнева, Н.Гордиенко, Е.Дуканова, Н.Загвязинская, Н.Заиченко, В.Козлов, Е.Савина, Т.Скиба, А.Сысоева, С.Чернерлар томонидан ўқувчи-ёшларнинг шахсга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий тайёргарлиги назарияси ва амалиёти, касбий тайёргарлик шарти сифатида педагогика олий таълим муассасаси талабаларининг иқтисодий маданиятини шакллантириш, бўлажак бошланғич

синф ўқитувчиларининг ўқувчиларнинг иқтисодий таълимини амалга оширишга тайёрлашнинг дидактик асослари ўрганилган.

Хорижлик олимлардан Ш.Аинсворт (Sh.Ainsworth), С.Блессинг (S.Blessing), Т.Жонг(Т.Jong), Т.Муррай (Т.Murray), С.Соутрас (С.Coutras), Э.Лекос (E.Lecos), С.Эрдурани (S.Erduran)ларнинг тадқиқотларида иқтисодий маданиятни ривожлантиришда узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш, иқтисодий маданият ва бизнес таълимининг интеграцияси, бўлажак ўқитувчиларда молиявий саводхонликни ривожлантириш масалалари юзасидан илмий изланишлар амалга оширилган.

Бироқ халқаро баҳолаш дастурларини жорий этиш шароитида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг иқтисодий маданиятини ривожлантириш компонентлари, мезонлари ва кўрсаткичларининг аниқлаштирилмаганлиги, комплекс ёндашув асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида иқтисодий маданиятни ривожлантириш мазмуни, фанлараро модулли таълим технологияси, модели ва электив курснинг ишлаб чиқилмаганлиги мазкур йўналишда илмий изланиш олиб боришни тақозо этди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Урганч давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Илмий тадқиқот фаолиятининг ривожлантириш ва илмий салоҳиятини оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури” шунингдек, ОТ-Ф1-36 рақамли “Талабалар маънавиятини диагностика қилиш механизмларини такомиллаштириш” (2017-2020 йй.) мавзулари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** комплекс ёндашув асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг иқтисодий маданиятини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг иқтисодий маданиятини ривожлантиришнинг халқаро баҳолаш дастурлари билан алоқадорлигини асослаш;

комплекс ёндашув асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг иқтисодий маданиятини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари иқтисодий маданиятини ривожлантиришнинг мажмуавий-технологик моделини такомиллаштириш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг иқтисодий маданиятини ривожлантиришнинг дидактик таъминотини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида олий таълим муассасаларининг бошланғич таълим йўналиши талабаларининг иқтисодий маданиятини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Урганч, Фарғона давлат университетларидан ҳамда Навоий давлат педагогика институтининг 260 нафар респондент-талабалари жалб қилинди.

**Тадқиқотнинг предмети:** бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг иқтисодий маданиятини ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келувчи кузатиш, анкета, сўровнома, тест синовлари, педагогик-психологик методикалар, моделлаштириш, математик-статистик таҳлил ҳамда тажриба-синов методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилigi** қуйидагилардан иборат:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида иқтисодий маданиятни ривожлантиришнинг халқаро баҳолаш дастурлари билан алоқадорлиги кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг молиявий саводхонлигини шакллантириш кўникмаларини (математик ва табиий-илмий ходисаларни реал ҳаётий муаммоларга нисбатан талқин қилиш) вигаген таълим билан мақбул интеграциясини таъминлаш асосида аниқлаштирилган;

комплекс ёндашув асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг иқтисодий маданиятини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари касбий фаолиятга тайёрлашнинг мажмуавий омиллари (ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, экологик, технологик) ва компонентларини (когнитив, операцион, аксиологик) ҳисобга олиш асосида педагогик рискларнинг ўқитиш сифатига салбий таъсирини бартараф этиш механизми барқарорлигига эришиш асосида аниқланган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг иқтисодий маданиятини ривожлантириш мажмуавий-технологик моделининг амалий компоненти (шартлари, фанлараро алоқадорлик, ўқув материаллари ва методик усулларга комплекс ёндашув) мантиқий ва креатив тафаккурни ривожлантиришга йўналтирилган таълим муҳитининг лойиҳавий фаолият билан қайта алоқаси идентифлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг иқтисодий маданиятини ривожлантиришнинг дидактик таъминоти (масофавий таълим контенти, когнитив топшириқлар, ўқув лойиҳалари, электив курслар) талабаларнинг индивидуал таълим траекториясини белгилашга хизмат қилувчи мустақил-ижодий фаолият жараёнларини тадқиқотчиликка доир компетенцияларга мувофиқ тизимлаштириш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагиларда ўз аксини топган:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг иқтисодий маданиятини ривожлантириш мезонлари ва кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

комплекс ёндашув асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг иқтисодий маданиятини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари аниқлаштирилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг иқтисодий маданиятини ривожлантириш бўйича электив курс дастури ва дидактик таъминоти ишлаб чиқилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг бизнес лойиҳаларни яратиш ва амалга оширишга тайёрлашга доир услубий тавсиялар ишлаб



чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** қўлланилган ёндашув, усулларнинг илмий-методик асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти “иқтисодий таълим”, “иқтисодий билим”, “иқтисодий саводхонлик”, “иқтисодий маданият”, “комплекс ёндашув”, “комплекс таълим” тушунчаларига муаллифлик ёндашуви асосида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги, бўлажак бошланғич синф ўқувчиларида иқтисодий маданиятни ривожлантиришга комплекс ёндашувнинг зарурат эканлигининг асосланганлиги, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида иқтисодий маданиятни ривожлантириш компонентлари, мезонлари ва кўрсаткичларининг аниқлаштирилганлиги, комплекс ёндашув асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида иқтисодий маданиятни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларининг назарий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида табиий-илмий ва иқтисодий билимларни (фанлар мазмунига доир, методологик, эпистемик) таркиб топтириш йўлларининг аниқлаштирилганлиги, иқтисодий маданиятни ривожлантиришнинг мегафазилатларини (иқтисодий билимдонлик, мушоҳада юритиш, иқтисодий зийраклик, иқтисодий масъулиятлилик, иқтисодий маданият) тарбиялашнинг инновацион шаклларининг ишлаб чиқилганлиги, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида иқтисодий маданиятни ривожлантириш модели ва локал-модулли технологиясининг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади. Тадқиқот натижаларидан бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида иқтисодий маданиятни ривожлантиришга доир электив курслар мазмунини лойиҳалаш, халқаро баҳолаш дастурларига асосланган тест топшириқларини ишлаб чиқиш, бошланғич синф ўқитувчиларининг малакасини ошириш курсларида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Комплекс ёндашув асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида иқтисодий маданиятни ривожлантиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида иқтисодий маданиятни ривожлантиришнинг халқаро баҳолаш дастурлари билан алоқадорлигини кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг молиявий саводхонлигини шакллантириш кўникмаларини витаген таълим билан мақбул интеграциясини таъминлаш, комплекс ёндашув асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг иқтисодий маданиятини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш, касбий фаолиятга

тайёрлашнинг мажмуавий омиллари ва компонентларини ҳисобга олиш асосида педагогик рискларнинг ўқитиш сифатига салбий таъсирини бартараф этиш механизми барқарорлигига эришишга доир таклиф ва тавсиялардан 5111700 – бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш бакалавриат йўналишининг Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 11 июндаги 89-03-2438 сон маълумотномаси). Натижада бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини халқаро баҳолаш дастурларидан фойдаланиш малакасини ривожлантириш ва молиявий саводхонлигини оширишга хизмат қилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг иқтисодий маданиятини ривожлантириш мажмуавий-технологик моделининг амалий компонентини такомиллаштириш, мантиқий ва креатив тафаккурни ривожлантиришга йўналтирилган таълим муҳитининг лойиҳавий фаолият билан қайта алоқаси идентифлигини таъминлашга доир амалий таклиф ва тавсиялардан ОТ-Ф1-36 рақамли “Талабалар маънавиятини диагностика қилиш механизмларини такомиллаштириш” (2017–2020 йй.) фундаментал лойиҳани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 1 февралдаги 89-03-398 сон маълумотномаси). Натижада бошланғич синф ўқитувчиларининг иқтисодий маданиятини ривожланганлигини ташхис этишнинг диагностик воситаларидан самарали фойдаланишга эришилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг иқтисодий маданиятини ривожлантиришнинг дидактик таъминотини (масофавий таълим контенти, когнитив топшириқлар, ўқув лойиҳалари, электив курслар) такомиллаштириш, талабаларнинг индивидуал таълим траекториясини белгилашга хизмат қилувчи мустақил-ижодий фаолият жараёнларини тадқиқотчиликка доир компетенцияларга мувофиқ тизимлаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан ИТД-4-122 рақамли “Юксак маънавиятли шахсни шакллантиришнинг тарбия технологияси” (2009-2011йй.) лойиҳаси натижаларини амалиётга татбиқ этишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 1 февралдаги 89-03-398 сон маълумотномаси). Натижада бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг иқтисодий маданиятини ривожлантиришнинг электрон-методик тизимини таълим амалиётига татбиқ этиш самарадорлигини оширишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, 1 та монография, 1 та услубий кўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 та хорижий, 1 та scopus журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, 141 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг иқтисодий маданиятини ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида интеграл таълим соҳаси сифатида иқтисодий маданиятнинг мазмун-моҳияти, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида иқтисодий маданиятни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари, компонентлари, мезонлари ва кўрсаткичлари баён этилган.

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”ни амалга ошириш доирасида олий таълим соҳасини ислоҳ қилишга доир қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли, 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4623-сонли Қарорлари, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони кабиларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4623-сонли Қарорида эса, педагогик таълим соҳасини янада такомиллаштиришга доир қуйидаги устувор йўналишлар муҳим вазифа сифатида белгилаб берилди: тарбия ва ўқитиш усуллари, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда хорижий тилларни пухта ўзлаштирган, таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларига эга профессионал педагог кадрлар тайёрлаш; педагогик касбга қизиқиши юқори бўлган ёшларни аниқлаш ҳамда уларни мақсадли тайёрлаб ва тарбиялаб боришнинг узлуксиз тизимини жорий қилиш; педагогик таълим соҳасининг таълим йўналишлари ва мутахассисликлари

бўйича ўқув режа ва дастурларини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, инновацион ўқув-меъёрий ва таълим ресурсларини яратиш ҳамда амалиётга жорий этиш; соҳада таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлаш орқали таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш ва ҳ.к.

Педагог кадрларни тайёрлаш тизимида айниқса, бошланғич синф ўқитувчиларининг илғор хорижий тажрибалар ва халқаро баҳолаш дастурларига мувофиқ инновацион таълим технологияларини самарали ўзлаштириши, бошланғич синф ўқувчиларида математик ва табиий-илмий саводхонликни шакллантириш учун уларнинг иқтисодий маданиятини ривожлантиришни тақозо этади. Ўз навбатида иқтисодий маданият интеграл тавсифга эга бўлиб, фалсафий, ҳуқуқий, иқтисодий, социологик, психологик ва педагогик жиҳатлар билан боғлиқликда мазкур жараёнга комплекс ёндашув зарурлигини кўрсатди.

Методологик нуқтаи назардан комплекс ёндашув деганда ижтимоий эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда шахсни шакллантиришда бевосита ёки билвосита алоқадорликка эга турли шарт-шароитлар ва омиллар мажмуини интеграциялаш усули тушунилади. Шу билан бирга, комплекс ёндашув – бу методологик, ташкилий, бошқарувга доир принцип, фикрлаш, билиш ва тарбиявий вазифаларни ҳал этиш методи. “Комплекс” тушунчаси ўзаро умумийлик, яхлитликка эга нарса-буюм, ходисаларнинг уйғунлиги, йиғиндиси сифатида талқин қилинади. Шу нуқтаи назардан мазкур истилоҳ билан боғлиқликда бугунги кунда “комплексли (мажмуавий)” тушунчаси кенг оммалашган: мақсадли комплекс дастурлар, комплекс қарор, комплекс тадқиқот, комплекс режалар, комплекс ўқув-методик қўлланма, тарбияга комплекс ёндашув ва ҳ.к.

Шахс умуммаданий компетентлигининг асосий таркибий қисмларидан бири сифатида “иқтисодий маданият” ҳам комплекс ёндашувни тақозо этади.

Иқтисодий маданият – билим ва кўникмаларнинг ривожланганлиги, иқтисодий таҳлил кўникмаларини, иқтисодий тафаккур ва ўзига хос ижтимоий сезгирликни (мулк эғалиги ҳисси) ўзлаштириш даражасини тавсифлайдиган билимлар, ташаббускорлик ва тадбиркорлик кўникмалари, ижтимоий зийракликни инсоннинг амалий фаолиятида рўёбга чиқариш даражасини очиб берувчи шахс сифати йиғиндисидир.

Мазкур таърифга асосланган ҳолда тадқиқотда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштириш жараёни билан боғлиқ иқтисодий маданиятнинг қуйидаги ўзига хосликлари аниқлаштирилди:

иқтисодий маданият моддий ва маънавий кадриятлар бирлиги сифатида талқин қилиниши зарур;

иқтисодий маданиятни маданий-тарихий жараён субъекти сифатида ижтимоий индивиднинг ўз-ўзини намоён этиш соҳаси сифатида тасаввур қилиш;

иқтисодий маданиятни тарбиялаш – ижтимоийлашув жараёнининг асоси, чунки иқтисодий маданият биологик йўл билан таркиб топмайди, тарбия орқали амалга ошади;

иқтисодий маданиятнинг моҳияти касбий фаолиятга тайёргарликка эга бўлишни таъминлайдиган, прагматик ва ахлоқий сифатларни ривожлантиришга имкон берувчи унинг ижтимоийлаштирувчи функциясида намоён бўлади.

Тадқиқот натижалари асосида иқтисодий маданиятнинг қуйидаги таркибий тузилмаси аниқлаштирилди (1-расмга қаранг).



**1-расм. Иқтисодий маданиятнинг таркибий тузилмаси**

Иқтисодий маданиятни ривожлантириш мазкур жараён компонентларини ҳам аниқлаштиришни талаб этади. Мавжуд тадқиқотлар таҳлили асосида таълим олувчиларда иқтисодий маданиятни ривожлантиришнинг қуйидаги компонентлари етакчи ўрин тутишини кўрсатди.

Мотивацион компонент – бу иқтисодий масалаларнинг мазмуни ва аҳамиятини, уларнинг ҳуқуқий нормалари ва иқтисодий маданиятнинг маънавий-ахлоқий асослари билан ўзаро боғлиқлигини англаш билан белгиланади.

Когнитив компонент – иқтисодий фикрлаш ва шахсий аҳамиятлиликнинг англаниши. Жамият, давлат, минтақа ва оила иқтисодий муносабатларидаги фактлар, тушунчалар, ғояларни тушуниш ва мулоҳаза юритиш учун етарли иқтисодий билимларга эгалик даражаси билан белгиланади.

Фаолият компоненти – ҳаётий ва касбий фаолиятга доир иқтисодий масалаларни ҳал қилишда амалий кўникмаларга эга бўлишни назарда тутати.

Рефлексив компонент – ҳаётий ва касбий фаолият жараёнида ўз-ўзининг иқтисодий саводхонлиги, тежамкорлиги ва иш самарадорлигини таҳлил этиш ва баҳолай олиш.

Бироқ аниқ касбий фаолият (бизнинг тадқиқотимизда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш) билан боғлиқликда иқтисодий маданиятни ривожлантириш компонентлари ва кўрсаткичларини аниқлаштириб олиш мақсадга мувофиқ. Ана шу асосдан келиб чиққан ҳолда, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида иқтисодий маданиятни ривожлантиришнинг қуйидаги компонентлари белгилаб берилди (2-расмга қarang).



**2-расм. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида иқтисодий маданиятни ривожлантириш компонентлари**

2-расмда кўрсатилган компонентлар асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг иқтисодий маданиятини ривожлантиришнинг уч гуруҳ мезонлари аниқлаштирилди: мотивацион-кадриятли, интеллектуал-когнитив; креатив-фаолиятли. Мазкур мезонлар асосида уч (юқори, ўрта ва паст) даражага мос кўрсаткичлар аниқланди:

юқори даража – юқори даражадаги иқтисодий билим, кўникма ва малакаларга эгалик, иқтисодий мулоҳаза юритиш, иқтисодий билимларини умумтаълим фанларини ўқитиш жараёнида самарали қўллаш олиш кўникмасини эгаллаганлик, бошланғич синф ўқувчиларида иқтисодий саводхонликни шакллантиришга юқори тайёргарликнинг мавжудлиги;

ўрта даража – иқтисодий билимларга эгалик, иқтисодий маълумотларни график, чизма кўринишида тасвирлай олиш, иқтисодий ҳодисалардан фанларни ўқитиш жараёнида фойдалана олиш, ўқувчиларда иқтисодий саводхонликни шакллантиришга ўртача тайёргарликнинг мавжудлиги;


паст даража – назарий билимлардан хабардорлик, бироқ уларни иқтисодий мулоҳаза юритиш жараёнида қўллаш олмаслик, ўқувчиларда мантикий ва креатив фикрлаш, математик ҳамда табиий саводхонликни оширишга доир тасвирий моделларни тузиш ва таҳлил қилиш кўникмаларининг пастлиги.

Тадқиқот натижалари асосида “бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида иқтисодий маданиятни ривожлантириш” тушунчасига муаллифлик ёндашувига асосланган ҳолда қуйидагича таъриф берилди: “бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида иқтисодий маданиятни ривожлантириш бўлғуси педагог ва ўқувчилар шахсини камол топтиришнинг муҳим тавсифини ўзида ифода этиб, ҳаётий эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда ўқувчининг шахсий фаоллигини ошириш, ўз-ўзини намоён этиш имкониятини кенгайтириш, жамият талабларига мувофиқ фаол ҳаракатланиш, ўқувчиларда иқтисодий саводхонликни шакллантиришга доир мақсадга йўналтирилган жараёндир”.

Диссертациянинг **“Комплекс ёндашув асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида иқтисодий маданиятни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари”** деб номланган иккинчи бобида комплекс ёндашув асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг иқтисодий маданиятини ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари, методик вазифалари ва шартлари ҳамда мажмуавий-технологик модели ёритиб берилган.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида иқтисодий маданиятни ривожлантириш ўқув жараёнига ҳам комплекс ёндашувни тақозо этади. Ана шу мақсадда биринчидан, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашга доир таълим дастурлари ўртасида, иккинчидан, педагогика олий таълим дастурлари ва бошланғич синфларда ўқитиладиган фанларини интеграциясини таъминлаш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келинди. Бунинг учун кредит-модуль тизими элементларидан фойдаланилди. Жумладан, фанлараро модулли таълим технологиясини қўллаш асосида бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш бакалаврият йўналиши ўқув режасидаги “Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти”, “Таълимда ахборот технологиялари”, “Умумий психология”, “Умумий педагогика”, “Математика ўқитиш методикаси”, “Бошланғич таълим педагогикаси, инновацияси ва интеграцияси”, “Технология ва уни ўқитиш методикаси”, “Табиатшунослик ва уни ўқитиш методикаси”, “Тарбиявий ишлар методикаси” фанлари ҳамда умумий ўрта таълим

мактабларининг бошланғич синфларида ўқитиладиган “Математика”, “Технология”, “Атрофимиздаги олам” ва “Табиатшунослик” фанларини иқтисодий билим асосларини ўзлаштиришга йўналтириб ўқитишнинг дидактик тизими аниқлаштирилди (3-расмга қаранг).



**3-расм. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида иқтисодий маданиятни ривожлантиришнинг дидактик тизими**

3-расмдан кўринадики, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида иқтисодий маданиятни ривожлантиришнинг интегратив модуллари дидактик тизим атрофида бирлашади. Дидактик тизим “Иқтисодий маданият асослари” муаллифлик электив (маҳсус) курсига асосланиб ишлаб чиқилган.


Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, педагогика олий таълим муассасалари ва умумий ўрта таълим мактаблари ўқув режасида бошланғич синфларда иқтисодий маданият асослари фанини ўқитиш кўзда тутилмаган. Шунинг учун биз тадқиқот доирасида иқтисодий маданият асосларини бошқа таълим соҳалари билан интегратив асосда ўқитишни таклиф этдик.

“Иқтисодий маданият асослари” электив курси бўйича ўқув материалларини танлашда бир томондан, бўлажак ўқитувчиларни бошланғич синф ўқувчиларида иқтисодий билимларни шакллантиришга тайёрлаш, иккинчи томондан, ҳаётини эҳтиёж сифатида уларнинг иқтисодий саводхонлигини ошириш кўзда тутилди. Тадқиқот доирасида ишлаб



чиқилган дидактик тизим инвариант асос (модул) ва вариатив элементлардан (гиперматн, топшириқ, тестлар) ташкил топган. Модулда билимларни тизимли тарзда ўзлаштиришни таъминловчи педагогика таълим соҳасига доир меъёрий ҳужжатлар (Давлат таълим стандарти, малака талаблари, ўқув дастурлари) ўз аксини топган. Интерактив дастурий воситалар билан бойитилган гиперматн ва топшириқлар бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ўқувчиларда иқтисодий кўникмаларни шакллантиришга мақсадли тайёрлашга хизмат қилади. Тест топшириқлари турли фан асосларининг интегратив модули мазмунига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида иқтисодий маданиятни ривожлантиришнинг ташкилий компонентлари (М1 – мақсадли, М2 – мазмунли, Ж – жараёнли, Б – баҳоловчи) асосида электив курснинг субмодуллари мазмуни аниқлаштирилди (4-расмга қаранг).



**4-расм. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларда иқтисодий маданиятни ривожлантиришнинг фанлараро модулли таълим технологияси**

4-расмдан кўришиб турибдики, “Иқтисод. Инсон. Эҳтиёж” деб номланган биринчи субмодул “Эҳтиёж. Касбий фаолият ва иқтисод”, “Шукроналик ҳисси ва соғлом бўлишга интилиш”, “Оила ва иқтисод” машғулотларини ташкил этиш жараёнида “Табиатшунослик. Шахс ва жамият” таълим соҳаси билан интеграллашади. “Математика ва ахборот

технологиялари” соҳасида мазкур бўлим “Меҳнат ва ўқиш эҳтиёжлари” бўйича машғулотлар билан уйғун амалга оширилади.

“Иқтисод. Инсон. Оила” субмодулида “Санъат ва технология” таълим соҳасида “Савдо-сотик ва бозор”, “Акционерлик жамияти”, “Математика ва ахборот технологиялари” соҳасида “Фойда ва харажат”, “Оила бюджети ва тежамкорлик” интегратив машғулотларини ўтказиш кўзда тутилади.

“Иқтисод. Инсон. Шаҳар” субмодули “Шахс ва жамият” таълим соҳасида “Мамлакат иқтисодиёти”, “Жаҳон иқтисодиёти” машғулотларида интеграллашади. “Санъат ва технология” таълим соҳасида “Ишлаб чиқариш технологияси”, “Шаҳар саноати” мавзулари бўйича интегратив машғулотлар амалга оширилади. Натижада бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида турли фан соҳалари билан интеграллашган ўқув материалларини ўзлаштириш орқали иқтисодий маданиятни ривожлантиришга эришилади. Интеграллашган таълим жараёнини ташкил этиш орқали иқтисодий маданиятни ривожлантиришнинг барча компонентлари ўртасида ўзаро алоқадорлик ва ўзаро биргаликдаги ҳаракат таъминланади.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларинининг иқтисодий маданиятини ривожлантириш тизими:

иқтисодий маданиятини шакллантириш жараёнларини ташкил этиш, мақсад, вазифа, мазмун ва ўқитиш методикасини аниқлаш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг иқтисодий маданиятини ривожлантириш жараёнини аниқлаштириш, унинг иқтисодий фаолияти мотивларини ривожлантириш, иқтисодий билим, кўникма ва малакаларини ошириш, иқтисодий фикрлашини ошириш, иқтисодий жиҳатдан аҳамиятли бўлган шахсий фазилатларини ривожлантириш, натижаларни таҳлил қилиш учун ижтимоий жавобгарлик ҳиссини ошириш;


бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг иқтисодий маданиятини шакллантириш жараёнида мотивацион, когнитив, ахлоқий ва касбий-фаолиятли таркибий қисмларни киритиш;

бўлажак ўқитувчининг иқтисодий маданиятини шакллантиришга таъсир қилувчи ташқи ва ички шароитлар мажмуасини аниқлаш;

ушбу жараённинг самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонларини белгилаш, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларнинг иқтисодий маданиятини шакллантириш йўлидаги ютуқларини фарқлаш учун шарт – шароитлар яратишни тақозо этади.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида иқтисодий маданиятни ривожлантиришнинг дидактик тизими ва интегратив ёндашувга асосланган фанлараро модулли таълим технологиясини умумлаштириш асосида комплекс ёндашувга асосланган педагогик моделни лойиҳалаш ва талабаларни лойиҳавий фаолиятга жалб этиш орқали уни амалиётга татбиқ этиш имконияти яратилди (5-расмга қаранг).

Мазкур модел ўзида ижтимоий буюртма, мақсадга йўналтирилган, мазмунли, ташкилий-методик ва натижавий блоклар бўйича ўзаро бир-бири билан алоқадор ва уйғун элементларни комплекслигини тақозо этади.



**5-расм. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида иқтисодий маданиятни ривожлантиришнинг мажмуавий-технологик модели**

Диссертациянинг “Комплекс ёндашув асосида талабаларнинг иқтисодий маданиятини ривожлантириш самарадорлиги” деб номланган

учинчи бобда тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари ёритиб берилган.

Тажриба-синов ишлари дастурини ишлаб чиқишда қуйидаги уч омил ҳисобга олинди:

1) инновацион иқтисодий ривожлантириш жараёнида талабаларда бизнес лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш;

2) иқтисодий ва тадбиркорлик компетенцияларини таркиб топтириш;

3) бошланғич синф ўқувчиларида иқтисодий билим ва саводхонликни шакллантиришга тайёрлаш.

Тадқиқотни ўтказиш жараёнида “Иқтисодий маданият асослари” электив курси бўйича методик қўлланма ишлаб чиқилди ва дидактик тизимга асосланган интерфаол таълимга асосланган машғулотлар ташкил этилди.

